Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
16-fevral,
seshanba,
№ 20
(3681)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қўшма корхоналарда

«UZSALAMAN»нинг харидоргир маҳсулотлари

Президентимиз раҳнамолигида муваффақиятли бизнес юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар хорижий ишбилармонларнинг Ўзбекистонга қизиқишини тобора кучайтирмоқда. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўтган йили Фарғона вилоятида 54,5 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилгани бунинг ёркин исботидир.

Вилоятда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида хорижий инвестициялар иштирокида 150 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Фарғона шаҳридаги “Uzsalaman” Ўзбекистон — Германия — Буюк Британия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар аллақачон бозорда ўз муносиб ўрнига эга. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган қўшма корхонада 20 дан ортиқ турдаги харидоргир пойабзал тайёрланмоқда.

— Ўтган йили 137 минг 700 жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди, — дейди қўшма корхона бош директори Равшанбек Абдуллаев. — Ички бозордаги талаб ва таклифлар асосида маҳсулотнинг янги турларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пойабзалнинг бичими, услуби ва дизайни ёш ишчи-ходимларимиз томонидан тайёрланади. Ўтган йилдан бошлаб Фарғона шаҳридаги икки коллежда қўшма корхонамиз учун мутахассислар тайёрлаш мақсадида янги йўналишлар ташкил этилди. Корхонамизда меҳнат қилаётган 200 дан зиёд ишчи-мутахассиснинг самарали ишлаши учун барча зарур шароит яратилган.

Қўшма корхона мамлакатимизда ва хорижий давлатларда ўтказиладиган нуфузли кўргазмаларда фаол қатнашиб, импорт ўрнини босувчи, сифатли пойабзал маҳсулотлари билан саноатимизнинг юксак салоҳиятини намойиш этиб келмоқда. Яқинда Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада ҳам “Uzsalaman” бренди билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар аввалambор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган.

Ислом КАРИМОВ

Олтин остона

Қадриятлар маскани

Маҳалла азалдан яхлит ҳудудий бирлик ҳисобланиб, фаровонлик, тинч-тотувлик, меҳр-оқибат тушунчаларини ўз ичига олади. Унда яшовчиларнинг ёзилмаган тартиб-қоидалари, ахлоқий меъёрлари, урф-одат ва анъаналари бор.

Истиқлол йилларида ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла конституциявий институт мақомига эга бўлиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилиб, фаолиятига доир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар эълон қилинди. Айниқса, ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, уларни мукофотлаш ҳақидаги фармонлар соҳа ходимлари меҳнатининг юксак эътирофи бўлди, десак асло янглишмаймиз.

Фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Ҳозирда маслаҳатчи сифатида фаолият юритаётган аёллар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий, диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишларида фаол қатнашишяпти. Шунингдек, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар тузилиб, фаолиятга доир кўплаб Низомлар тасдиқланди.

(3).

Брифинг

Мамлакатимизда транспорт тизими изчил ривожланаётгани натижасида аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифати ва салмоғи ортиб бормоқда.

Йўловчи ташиш тизими такомиллашмоқда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган брифингда мазкур йўналишда пойтахтимизда амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида маълумот берилди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти масъул ходимлари иштирок этди.

Президентимизнинг 2013 йил 9 октябрдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ пойтахтимизда аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш янада яхшиланди. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида уч юздан зиёд корхона йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланмоқда.

Масъул ташкилотлар томонидан транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозланиши, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига мувофиқлиги доимий назоратга олинган. Бу фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, пойтахт кўчаларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, йўловчиларга янада сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш мақсадида жорий йил 13 январ куни қўшма чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Унга кўра, йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган автотранспорт воситаларини назорат қилувчи ишчи гуруҳлар ташкил этилган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимларидан иборат мазкур гуруҳлар томонидан Тошкент шаҳри ҳудудида рейдлар ўтказилмоқда. Уларда автотранспорт воситаларининг йўловчи ташиш талабларига жавоб бериши, хусусан, тегишли ҳужжатларга эгалиги, автотранспорт воситасининг техник кўрикдан, ҳайдовчининг тиббий кўрикдан ўтгани текширилмоқда.

13 январдан 10 февралгача 9200 автотранспорт воситаси кўздан кечирилиб, 1850 қоидабузарлик ва камчилик аниқланган. Хусусан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ходимлари томонидан йўловчи ташиш йўналишларида тегишли ҳужжатларсиз фаолият юритаётган 800 дан зиёд қоидабузарлик ҳолати, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимлари томонидан йўловчи ташиш йўналишларида юзга яқин камчилик аниқланган.

— Мақсадимиз ҳар бир йўл ҳаракати иштирокчиси ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, шаҳримиз кўчаларида транспорт қатновини янада яхшилашдир, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бўлим бошлиғи Фарҳод Мирзаев. — Ҳамшаҳарларимиз орасида буни англаб, йўловчи ташишга тобора масъулият билан ёндашаётганларнинг кўпайиб бораётгани қувонарлидир. Бинобарин, қонуний фаолият кўрсатиш, ўрнатилган тартибларга қатъий риоя қилиш ҳайдовчилар учун ҳам, йўловчилар учун ҳам бирдек манфаатли.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Соғлом оила — соғлом жамият

Байрамона руҳдаги мусобақа

Соғлом она ва бола йили муносабати билан ходимлар, уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ҳамда спортнинг оммавий турларига бўлган қизиқишини ошириш, айниқса, оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш орқали ўз саломатлигига масъулият ҳиссини шакллантириш долзарб вазифа. Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашларни турли касб касалликларидан муҳофаза қилиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида «Соғлом оила» шиори остида ўтказилаётган оилавий спорт мусобақаларининг иккинчи босқичи қизғин палласига кириб бормоқда.

Пойтахтимиздаги 44-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шу куни ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Таълим, фан ва маданият ходимлари, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Миробод туман кенгашлари, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация, Энергетика, Нефт-газ ва геология, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари ходимлари касаба уюшма ташкилотлари ҳамда Фанлар Академияси бирлашган касаба уюшма қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган спартакиадада биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритган ўн уч жамоа таркибида, қирққа яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари қатнашди.

(4).

Аҳоли саломатлиги йўлида

Тиббий кўрик

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, “Соғлом она — соғлом бола” ҳаракатини ривожлантириш мақсадида бир қатор тадбирларни ташкил этмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани “Бешқўрғон” ва “Дўмбиробод” маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишга йўналтирилган хайрия тадбирида ёши улуғ кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, аёллар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Фондниг тиббий-ижтимоий маркази шифокорлари томонидан ушбу ҳудуддаги мактаб, академик лицей, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари орасида соғлом турмуш тарзи ҳамда репродуктив саломатликни тўғри шакллантириш борасида тушунтириш-тарғибот ишлари ўтказилди.

2015 йил давомида Фондниг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1573 та қишлоқ ва 2893 та маҳаллаларидаги оилаларнинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит ва болалар соғлиги ўрганилди. 237011 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Шундан 7910 нафари пойтахтимизда истиқомат қилувчи аҳоли вакилларидир.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

Раёсат

Самарадорлик — давр талаби

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бирлашма кенгашининг 2015 йил мобайнидаги фаолияти якунлари ҳамда мамлакатимизни 2016 йилда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойидан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Йиғилишни бирлашма кенгаши раиси Маҳмуд Бобоёров олиб борди.

Таъкидлаш жоизки, бошланғич ташкилотлар томонидан тавсия ва ташаббуслар асосида фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашларининг туманлараро ўзаро амалий ёрдам кўрсатиш ва тажриба алмашиш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу амалиёт боис 3000 га яқин қуйи ташкилотга кириб борилди. Бу эса жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш, меҳнат ва иш шароитини яхшилаш, тадбирлар самарадорлигини таъминлашни янги поғонага кўтариш имконини яратди. Барча тармоқ касаба уюшмаларининг ҳамкорликдаги “Жамоатчилик қабул маркази” мурожаатларни жойида ҳал этиш сифатини тубдан яхшилади. Ҳар ойнинг охирги шанбасида ўтказиб келинаётган жамоатчилик қабули чоғида рўйхатдан ўтган 458 та мурожаатнинг аксарияти ижобий ечим топди.

Раёсат йиғилишида эришилган ютуқлар эътироф этилиб, мавжуд камчиликлар таҳлил қилинди. Чунончи, айрим туман тармоқ кенгашлари раислари томонидан жамоа шартномасини тузиш, экспертизадан ўтказиш ва бажарилишини кўриб чиқишга етарлича масъулият билан ёндашилмаётир. Мавжуд муаммоларни бартараф этиши учун ҳар бир фаол жонкуярлик, фидоийлик кўрсатиб ишлаши зарурлиги таъкидланди.

Музокараларда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ туман кенгаши раиси Абдужабборхон Нарзуллаев, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Ҳасан Нормуродов, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев ва бошқалар сўзга чиқиб, фаолиятни янада яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев ҳамда тармоқ касаба уюшма Республика кенгашлари раислари иштирок этди.

Кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Жамоа шартномаси: таҳлил, таклиф ва муҳокама

Андижон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги тунги ёритиш тизимидан фойдаланиш участкасида жамоа шартномасининг ўтган йил давомидаги ижросига доир меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши раиси А.Абдураимов иштирок этди.

Мунозараларга бой бўлди

Дастлаб, участка раҳбари Ш. Аҳмедов ҳамда бошланғич ташкилот раиси Ш. Дадажоновнинг ушбу давр давомида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Мазкур ташкилот Андижон шаҳрининг кўча ва ҳудудларини ёритиш тизимлари тармоғи бўйича монтаж, демонтаж ва таъмирлаш ишлари бўйича масъул бўлиб, ташкилотда ходимларнинг барча ҳуқуқлари иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмитаси ижтимоий шериклигида мустаҳкам ҳимояга олинган.

Хусусан, жамоа шартномасида ходимлар даромадини ошириш, уларга қўшимча меҳнат таътиллари бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари ўз аксини топган. Айниқса, корхонада ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ҳолатлари, касб касалликларининг олдини олиш устувор вазифалардан бирига айланган. Бу борада мавжуд меҳнат қонунчилиги, йўриқномаларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ишлари олиб борилмоқда. Хавфсизлик техникасини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси борасида фаоллик кўрсатаётган ходимларни мунтазам касаба уюшма қўмитаси томонидан рағбатлантириб бориш йўлга қўйилган. Ишлар сифати ва самарасини ошириш мақсадида ижтимоий-маиший иншоотлар ҳолати ва фаолияти доимий назоратга олинган.

Йиғилишда жамоа шартномаси орқали ходимлар манфаати қай даражада таъминланаётгани тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Б.ҲАМДАМОВ,
тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририятида ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ва яратилган меҳнат шароитлари юзасидан амалий семинар ташкил этилди.

Унда тармоқ туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, ҳамкор ташкилотлар ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар бирлашган таҳририят маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ходимларнинг унумли фаолият кўрсатиши, дам олиш ва саломатлигини мустаҳкамлаши йўлида ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлари билан танишдилар. Хусусан, ўтган йилда таҳририят ходимлари учун қулай ва шинам ошхона, спорт зали, ювиниш хоналари барпо қилинди. Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг меҳнатга қўшган ҳиссаси эътиборга олинган ҳолда мунтасил моддий рағбатлантириб келинаётир. Имкониятдан келиб чиққан ҳолда ходимлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Меҳнат таътилига чиқаётганларга саломатлигини мустаҳкамлаши учун бир ойлик лавозим маоши миқдорида моддий кўмак кўрсатилмоқда. 5 нафар ходимга маиший техника ҳамда компютер жамланмаси хариди учун 20 миллион сўмлик фоизсиз ссудалар ажратилган. Ходимларнинг 7 нафар фарзанди ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида бепул дам олдирилди.

Касаба уюшма ташкилоти томонидан касб байрами арафасида таҳририят ходимлари ва уларнинг фарзандлари ўртасида “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!” шиори остида оммавий маданий тадбир, спорт мусобақалари ташкил этилди. Соҳа ходимлари ўртасида ўтказилаётган турли танловларда ғолибликни қўлга киритган Исомиддин Пўлатов таҳририят кўмагида вилоятда қурилган “Камолот” уйларидан бирининг соҳибига айланди.

Семинарда ходимлар манфаати, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоа шартномасининг аҳамияти хусусида фикрлашиб олинди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Маҳмуд Removed Removed

Шундан сўнг, “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўртасида имзоланган жамоа шартномасининг 2015 йилдаги ижроси муҳокама этилди. Сўнг таҳририятнинг 2016 – 2018 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси қабул қилинди.

Семинар иштирокчилари вилоятдаги фаолияти намунали йўлга қўйилган фермер хўжаликлари вакиллари билан ҳам учрашди. Тойлоқ туманидаги “Санитар хизмат” корхонаси томонидан ишчилар учун ишлаб чиқарилган бежирим, чидамли ва қулай иш кийимлари, пойабзал билан таъминлашнинг намунали андозалари кўргазмаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев иштирок этди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Босиб ўтган йўлга бир қур назар ташлаб, бажарилажак ишларни имконият даражасида режалаштириб олиш ижобий натижа бериши азалдан маълум. Махсус авария-тиклаш бошқармаси касаба уюшма ташкилотининг навбатдаги йиғилишида 2015 йилга белгиланган жамоа шартномасининг бажарилиши ва жорий йилда ушбу ҳужжат асосида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Ижроси билан кучли

— Ходимларнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида анчагина ишлар қилинди, — деди бошланғич ташкилот етакчиси Абзалхон Султонсаидов. — Айниқса, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини амалга ошириш иш берувчи ҳамда касаба уюшма ташкилотининг асосий диққат-марказида бўлди. “Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида” акцияси доирасида меҳнат фахрийларидан 17 нафарига бошқарма ва 10 нафарига касаба уюшма ташкилоти томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Улар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилиб, эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, ёшларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш мақсадида Халқаро болалар куни муносабати билан “Менинг орзуим” ҳамда “Олам болалар нигоҳида” мавзусида ижодий расмлар танлови уюштирилди. Унда ходимларимизнинг 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган фарзандлари иштирок этди.

Бошланғич синфларга бораётган эҳтиёжманд ишчи-хизматчиларнинг 50 нафарига 3 млн. 200 минг сўмлик ўқув қуроллари тортиқ қилинди.

Ўтган йили ишчи-хизматчиларимизнинг 65 нафар фарзандлари ёзги мавсумда “Бойчечак сайр” болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди.

Яна бир хушхабар. Республика Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда тармоқ касаба уюшма республика кенгаши ташаббуси билан ўтказиладиган анъанавий мини-футбол мусобақаларида муваффақиятли қатнашдик. 2-ўрин Тошкент шаҳри алоқа корхоналари футзалчиларининг юқори лигасига кўтарилиш имконини берди.

Шунингдек, ходимларимизни Хива, Самарқанд ҳамда Тошкент шаҳарларига саёҳатлари уюштирилди. Бўлимларимиз мамлакатимизнинг турли сарҳадларида жойлашганлигини инобатга олиб, бу ишни жорий йилда ҳам давом эттириш ниятидамиз.

Бошқарма бошлиғи, полковник Беҳзод Аденов сўзга чиқиб, жамоа шартномаси бошланғич ташкилот учун ўзига хос ҳаракат дастури эканлигини таъкидлади:

— Ҳар бир ишчи-хизматчининг меҳнат ҳамда яшаш шароитини яхшилаш иш берувчининг ҳам, бошланғич ташкилотнинг ҳам мақсади. Манфаатлар шу ерда туташади десак янглишмаймиз.

Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари томонидан жорий йилдаги жамоа шартномасига киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Одилжон Қўлдошев, қўриқлаш отряди соқчиси, касаба уюшма гуруҳи етакчиси:

— Бултур йил моҳиятидан келиб чиққан ҳолда фахрийларимизга катта эҳтиром кўрсатилди. Бу жорий йилда ҳам давом эттирилса, айни муддао бўларди.

Икромхўжа Худдиев, чилангар:

— Жамоамизда ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Шу боисдан ҳам ўтказиладиган спорт тадбирлари сони ва турини кўпайтириш даркор.

Йиғилишда билдирилган таклифлар инобатга олиниб, касаба уюшма ташкилотининг жорий йилдаги иш режалари белгилаб олинди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармасида амалдаги жамоа шартномасининг 2015 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тавсиялар берилди

Бошқарма касаба уюшма қўмитаси раиси Фахриддин Эшназаровнинг ахборотидан маълум бўлдики, иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга доир муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатда ўз аксини топган вазифалар тўлақонли бажарилган.

Ёзги таътил давомида ходимларнинг 40 нафар фарзанди Шаҳрисабз туманидаги Ваҳоб Бердиев номидаги оромгоҳда дам олдирилди. Тўрт нафар хизматчи турли сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Жамоа шартномасига илова сифатида ҳар йили тузиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимга биноан иш ўринларида хавфсизлик техникаси юзасидан тадбирлар ўтказилди.

Йиғилишда тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Азамат Нурматов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Абдураим Тўраев сўзга чиқиб, келгусида амалга ошириладиган масалалар ҳамда қўйилган устувор вазифаларга атрофлича тўхталди. 2016 – 2018 йилларга мўлжаллаб тузиладиган янги жамоа шартномаси лойиҳаси юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият қаратилмоқда.

Бехатар оналик, бахтиёр болалик

Хоразм вилояти перинатал маркази ҳам айни мақсадда қатор чора-тадбирларни амалга ошираётир. Бу ерда оналар ва чақалоқлар саломатлигини яхшилаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш баробарида ҳар ойда “Соғломлаштириш ҳафталиги” ташкил этилмоқда. Ушбу ҳафталиклар доирасида туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

ЎзА фотомухбири Шоназар ҚОРИЕВ олган суратлар.

Меҳнат муҳофазаси

Инсон ҳаётига боғлиқ

муаммонинг катта-кичиги бўлмайди

Кўпинча тиббиёт соҳасида ҳам меҳнат муҳофазаси тадбирлари ўтказиладими, деб сўраб қолишади. Ким билсин, шовқин-сурондан холи хоналар, гард юқмаган оппоқ халатлар, саранжом-саришта шароит бироз чалғитса керак-да. Яхшиси, бу ҳақда Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси Абдуҳамид Боировнинг сўзларига қулоқ тутайлик.

— Биринчи таассурот ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди, — дейди мутахассис. — Кундалик лавозим вазифаларини бажариш давомида тиббиёт ходимларининг ўзлари ҳам турли касалликларни орттириб олишлари мумкин. Бунинг сабаблари кўп. Дастлабкиси, бу биологик омил бўлиб, юқумли касалликлар қўзғатувчиларнинг борлиги ва кўпинча тиббиёт ходимларининг улар билан ёнма-ён бўлишидир. Электр кучланишлари, турли даражадаги нурлар, товушлар ҳамда тебранишлар асосида ишловчи тиббий асбоб ва ускуналар билан ишлаш эса физик омиллар сирасига киради. Даволаш-диагностика ишларини олиб бориш жараёнида ишлатиладиган турли хилдаги моддалар ҳам борки, бу кимёвий омиллардир.

Айни вақтда Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасида 5 та стационар, 1 та диспансер, 1 та болалар стоматологик поликлиникаси, кўп тармоқли марказий ҳамда оилавий поликлиникалар мавжуд. Уларда 2363 нафар тиббиёт ходими ишлайди. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма ташкилоти ва тиббиёт бирлашмаси ўртасида 2015-2017 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига кўра, меҳнат муҳофазаси мутахассиси 1 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот беради.

Бугина эмас. Барча даволаш профилактика муассасаларида техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилган. Йилнинг ҳар чорагида техника хавфсизлиги комиссияси томонидан текширув ишлари олиб борилади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида жароҳатланишлар олдини олиш ҳамда касб касалликларини камайтириш мақсадида мутахассислар томонидан тиббий электр асбоблари кўриги ҳам йўлга қўйилган. Мазкур жиҳозларда ишловчилар махсус курсларда ўқитилиб, техника хавфсизлиги бўйича билимлари синовдан ўтказилиши ҳам айни муддао бўлаётир. Даволаш-профилактика муассасаларидаги барча асбоб-ускуналар метрологик кўрикдан ўтказилиб, носозлари таъмирланишига эришилди. Рентген шифокорлари лаборантлари эса дозиметр ва дам олиш хоналари билан тўла таъминланган.

Янги ишга кирувчилар техника хавфсизлиги йўриқномалари билан ишга кириш жараёнида таништирилади. Даволаш профилактика муассасаларида зарарли иш ўринларида ишловчи ходимларга санитар меъёрларида кўзда тутилган миқдорда сут ва унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари берилмоқда.

— Инсон ҳаёти билан боғлиқ муаммонинг катта-кичиги бўлмайди, — дейди Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Имомбердиев. — Биз ўз фаолиятимизда айнан шу ақидага амал қилмоқдамиз.

Н.РАФИҚОВ

Қадриятлар маскани

↖(1).

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. Уларда фуқаролар жамиятдаги барча ишларга дахлдорлиги янада теран кўрсатиб берилди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда навқирон авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, айниқса, коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланиши, ўзларининг хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесини юритиши учун қатор имтиёз ва ваколатлар мавжуд. Унга кўра, ўғил-қизларнинг қизиқишига қараб, ўз бизнесини юритиши учун ҳужжатлар расмийлаштириши ва кредитлар олишида ёрдам кўрсатилади. Тегишли тавсиялар берилади. Бунда, айниқса, қизларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, турли тўгаракларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Токи ҳеч ким ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик, «оммавий маданият» каби иллатлар кўчасига кириб кетмасин.

— Миллатимизга хос бўлган меҳр-мурувватлилик, саховатпешалик каби умуминсоний қадриятларни тарғиб этиш, шунингдек, тўй ва маросимларни ихчам, камчиқим қилиб ўтказишда ҳам маҳалланинг ўрни алоҳида, — дейди Миробод туманидаги Сариқўл МФЙ раиси Хурсандой Авазова. — Фаоллар аҳоли билан доимий мулоқотда эканлиги боис ортиқча дабдабага йўл қўйилмаётир. Оилаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ёшларда оиласи учун масъулият ҳиссини тарбиялаш ўта муҳим масала бўлиб, бу ишда маҳалла институти ҳамиша беминнат ёрдамчи.

Халқимиз фарзанд тарбияси, одоб-ахлоқи, қўни-қўшниларга муносабати, кўча-кўйда ўзини тутиши кабиларга масъулият билан ёндашган. Бунда атрофдагилар ҳам доно маслаҳати, намунали ҳаёт тарзи билан ўрнак кўрсатиб, ҳисса қўшиб келади. Айниқса, келин қилганда қизлар, аввало, маҳалласидан суриштирилади. Бундай муҳитда тарбия топган бўлғуси келин суриштирувчиларда яхши таассурот қолдириш билан бирга, тушган ерида ҳам ота-онаси, ҳам маҳалласига раҳмат олиб келади, муҳими, юқоридаги фазилатлар мустаҳкам оилага пойдевор қўяди.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, маҳалла-кўй эшитса нима дейди, деган истиҳола барчамизни ёмон йўллардан қайтарган, қайтараётир, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Шу каби фикрлар тасдиғи мамлакатимиздаги маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, ёшларнинг ўқишга, касбга қизиқиши, тўйларнинг файзли ўтаётгани, оилалардаги муҳитда намоён. Юртбошимизнинг ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим, деган сўзлари ҳар биримизнинг онгу-шууримизда акс садо беради.

Аллоҳга шукур, юртимизда тинчлик ҳукмрон. Ҳамма жойда бунёдкорлик, ободлик. Халқимиз тўкин-сочинликда умргузаронлик қилмоқда. Кексалар ҳурматда, кичиклар иззатда. Халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлаётган бу каби ютуқларимиз замирида маҳалланинг ўрни алоҳида. Чунки, бирор хонадонда можаро чиқса, маҳаллада ҳал этилади. Қўшниларнинг ораси бузилса, маҳалла-кўй ўртага тушиб яраштиради. Вақти келиб ўзлари ҳам тушуниб, бир-биридан кечирим сўрайди. Бу тўй-азамиз бир, ҳар куни кўз-кўзга тушади, бир жойнинг одамимизда, бир-биримизга тобуткаш бўлсак, оқибатимиз йўқолмасин, маҳалла-кўйдан қўймасин, деган иборалар ҳам бежиз пайдо бўлмаганлигини кўрсатади.

Маҳалла аҳли, айниқса, энг оғир дамда янада жипслашиб, бир бирини суяшган. Бу ҳаёт қийинчиликларини мардона енгиб ўтишда катта фойда берган.

— Ҳозирда тўқсон икки ёшни қоралайдим. Бу ёшга етгунча не-не кунларни кўрмадим. Уруш йиллари, у даврдаги одамлар бошига тушган қийинчиликлар, бир бурда нонниинг қадри... Қурғоқчилик йилларини кўрдим, очарчиликнинг изтиробларини бошдан кечирдим. Иккинчи жаҳон уруши йиллари фронт ортида не-не заҳматлар чекиб ишлаган халқ қаторида бўлдим, — дейди «Шуҳрат» медали соҳиби, меҳнат фронти фахрийси Эржигит Эгамбердиев. — Бу ҳам олган тарбиямиз маҳсули. Одамлар бир-бирларининг аҳволидан доимий хабардор бўлиб, ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмади. Шароити йўқларга доимий ёрдам бериб, иккита нон ёпса ёки бир лаган овқат пиширса, ярмини қўни-қўшнига илинди. Етимларнинг бошини силади. Ўзаро меҳр-оқибат, баҳам-жиҳатликда бундай оғир кунларни енгиб ўтиб, мана бугун истиқлолнинг дориламон кунларини кўриб юрибмиз.

Маҳалла... Бундай институтни бутун дунёда кечаси чироқ ёқиб бўлса-да топиб бўлмайди. Чунки бунда кўп нарса мужассам. Чунки унда ҳамма тенг ҳуқуқли: юқори мартабали амалдор ҳам, оддий ишчи ҳам. Барчаси маҳалладош, елкадош, сирдош.

Шу ўринда яқин ўтмиш кўз олдимда жонланади.

Болалик... Хотирамнинг қат-қатида ажиб, ўз навбатида, мен учун жуда-жуда азиз воқеалар кўп. Айниқса, улардан бири тошга ўйилган нақш каби муҳрланиб қолган: идишдаги музделкина қудуқ сувига тандирдан янги чиққан кулчани ботириб, ўн чоғли кишининг ишини қизиқиб томоша қилардим. Оғилхонамизни томсувоқ қилаётган бу ҳамкишлоқлар бизникида ҳашарда. Бири лой қорса, иккинчиси ташиган, учинчиси андава тортган. Барчаси қизиқ-қизиқ ҳангомалардан сўз очиб, чарчаш нималигини унутган гўё. Шу тариқа бир кунда барча сувоқ ишларимиз битди. Бу ҳол бугун бизникида, эртага бошқа бировникида давом этарди...

Ҳа, машаққатли меҳнатга одамгарчилик нуқтаи назаридан ёндашиб ўрганган бу инсонлар менинг маҳалладошларим. Кўпчилик бўлиб қайсидир қишлоқдошининг беғараз, ҳеч қандай битимсиз оғирини енгил қилган қадрдонларим. Ҳамжиҳатлик, аҳиллик, бир ёқадан бош чиқариш, яхши-ёмон кунда бирга бўлиш каби фазилатларни сўзда эмас, амалда намоён этиб, қалбимга эзгулик уруғини сочган, ҳаётга теран нигоҳ билан назар ташлашимга сабабчи бўлган яқинларим. Бу — менинг маҳаллам.

Бу одамлар тўй-тантана, маъракаларда ҳам бир-бирига камарбаста бўлиб туришганини кўп кўрганман. Сел олиб кетган кўприкни қайта қуришгани, йўлларни таъмирлашгани, бир неча чақирим ердан ариқ тозалаб, қишлоққа сув олиб келишгани, ёрдамга муҳтожларнинг томорқаси, боғи парвариши каби ишларига чин дилдан қарашиб, энг муҳими, ўзларини маҳалладошларининг оғир-енгили, гуноҳ-савобига масъул деб билгани... Мана шундай инсонлар даврасида улғайганимдан кўксимда ҳамиша фахр туяман. Чунки бу каби савобли ишлар сабаб маҳалла ҳамиша обод. Ободлик бор жойда эса тўкин-сочинлик, осойишталик ҳукмрон бўлади-да.

— Маҳалла маънавият-маърифат маскани. Қадимдан қадриятлар бешиги, тарбия ўчоғи саналган. Тарбияни, аввало, оиладан олган ҳар қандай ёшнинг етук инсон, юксак маънавиятли шахс бўлиб камол топишида мактаб билан бир қаторда маҳалланинг ҳиссаси катта, — деганди шу мавзуда гап кетганда она тили ва адабиёт фани ўқитувчимиз Тўлқин Шоназаров. — Чунки оила ва мактабда олинган таълим-тарбия, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш, эл ишига камарбаста туриш, инсонларнинг оғирини енгил қилиш, Ватанга муҳаббат руҳида улғайиш каби қатор фазилатлар маҳаллада сайқал топади. Маҳалланг — ота-онанг, дейишлари бежиз эмас.

Нурота тизма тоғлари ёнбағрида жойлашган, туғилиб ўсган қишлоғим — Накуртга борганимда шу фикрлар хаёлимдан ўтиб, беихтиёр ғурурланиб кетдим.

«Накурт» маҳалласида бугунги кунда 650 дан зиёд хонадон яшайди. Ери лалми. Замонангдан ўргилай, баъзи тадбиркорлар қуёш энергияси билан ишлайдиган қурилма орқали сув чиқариб, турли экинлар экмоқда. Мўл ҳосил олиб, даромадига даромад қўшмоқда. Эҳтиёжманд оилалар маҳалла фуқаролар йиғини эътиборида. Ҳар иш бамаслаҳат олиб борилади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, истиқлол йилларида барча мактаблар қўш қаватли қилиб қайта қурилди. Ўқувчилар замонавий технологиялар асосида таҳсил олмоқда. Шифохоналарда ҳам иш қизғин. Бу ерда чуқурлаштирилган тиббий кўрик одатий бир ҳол. Айниқса, Соғлом она ва бола йилида ишлар кўлами янада кенгайган. Шифокорлар она соғлом бўлса, фарзанд ҳам соғлом, баркамол бўлади, деган эзгу ғояга собит. Йўлда қишлоқ шифокори Ҳаким Жонибековни учратиб, кўнглимдан ўтганларини баён қиламан.

— Инсон учун ўзи туғилган жой ҳамиша азиз саналади. Илк бор кўз очиб кўрган мўътабар инсонлар, қариндош-уруғ, бирга қувалашиб ўсган тенгқурлар, таълим берган устозлар, ҳар куни кўз-кўзга тушадиган, суҳбатдош маҳалла аҳли. Барчабарчаси яқинларимиз, — дейди у табассум билан. — Бирортаси оғриб қолса, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай чопамиз. Бунга касбимиз тақозоси, виждон амри, ўз навбатида, маҳалладошлик бурчи, деб қараймиз. Бежизга эл соғлиги — юрт бойлиги дейилмаган.

Икки-учта киши йиғилиб қолса, оила аҳволи, соғлиғи суриштирилади. Билгач, э, ўзимиздан экансиз-ку, фалончини танийсизми ё фалончи аканинг фарзандимисиз, бундан чиқди қариндошлигимиз бор экан-ку, дея ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Айниқса, яшаш жойига алоҳида урғу берилади. Сизнинг маҳаллангиз республикага таниқли, чунки кўплаб юрт корига яраётган инсонлар етишиб чиққан-да у ердан. Одамлари ҳам оқибатли, аҳил, меҳмондўст. Бундай обод гўшага асло кўз тегмасин, деган гаплар кўп бор қулоққа чалинади.

Ҳа, бундай мақтовлар у ерда яшаётган одамларга берилган таъриф бўлиб, маҳалланги айтсанг, сенинг кимлигингни билиб оламан, деган фикрлар бежиз айтилмаганини кўрсатади. Тилак шуки, ҳаммамиз учун ҳам ота, ҳам она бўлган олтин остонамиз — обод маҳаллаларимиз гуллаб-яшнайверсин.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Диққат, танлов!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 1 апрелидан 2016 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета-журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 майда — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни "Туркистон" саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават.
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87
www.journalist.uz

Реклама ва эълонлар

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ООО ИК «Қишлоқ қурилиш инвест» филиала Навоийской области ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **«Наружные сетей водоснабжения экспериментального жилого массива С.Эшон ССГ «Нурота» Нуратинского района Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет — **без НДС 439 388 198 сум, с НДС 527 265 837 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **5 месяцев.**

Заказчик **ООО ИК «Қишлоқ қурилиш инвест» филиала Навоийской области**

Расположенный **г.Навоий, ул.Айний 52.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета.**

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

К конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору **торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98. Стоимость одного комплекта документов 150 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гвасалия–2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Х.Дустлиги 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

Услуги лицензированы.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1	Лот 18-1 Гулистон шаҳридаги 140 ўринли 19-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш	775 443 906 (сўм)	646 203 255 (сўм)	138 кун
2	Лот 18-2 Гулистон шаҳридаги 140 ўринли 16-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.	605 784 188 (сўм)	504 820 157 (сўм)	119 кун
3	Гулистон шаҳридаги 140 ўринли 7-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш	1 267 319 507 (сўм)	1 056 099 589 (сўм)	161 кун

Курилиш ишларини молиялаштириш: Маҳаллий бюджет ҳисобидан.

Буюртмачининг манзили: Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30 уй.

Телефон: (0-367) 227-63-86. Факс: (0-367) 227-63-86.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат курилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.

Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган янги қурилиш ва қайта қуриш объектлари бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Тел./факс: (0-3672) 27-64-42.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 112 740 сўмдан – 132 800 сўмгача

Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

Буюк аждодларимиз

«Дуру гавҳарларга тўла денгиз...»

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аммо улуғ шоир асарларининг ҳали ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган жиҳатлари мўллиги сир эмас. Афғонистонлик бобуршунос олима Шафиқа Ёрқин 1983 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги манбалардан фойдаланиб, Бобурнинг нисбатан мукаммал девонини чоп эттирди. Аммо турли сабабларга кўра унга киритилмай қолган бир туркум асарларини 2004 йилда «Бобур девонига такмила (қўшимча)» номи билан нашр қилди. Ушбу китобда шоирнинг бизга номаълум қитъа, муаммо, таржеъбанд, маснуъ шеърларини учратамиз. Насрий нома ва форсий тилдаги асарлари билан танишамиз.

Мазкур тўпламнинг дастлабки қисмида туркий тилдаги асарлар жой олган. Ғазал жанрига мансуб 5 та асар киритилган. Уларнинг барчаси бобурона маҳорат, ноёб нуктадонлик билан яратилган. Жумладан, қуйидаги ғазал 3 байтдан иборат. Асар сўнгида тахаллус қўлланмаган. Аммо унда фикрнинг яхлит ва тугалланганлиги сезилиб туради:

Ҳабиб бўлса эди, ё рақиб ўлса эди,
Рақиб ўлса эди, ё ҳабиб бўлса эди.

Кўнгулга меҳнату ғам, ҳар не бўлса,
бўлса эди,
Ки ёрга қотилиб, ғайрдин қутулса эди.

Фироқ шаҳрида бўлғунча кош кўйингда,
Таним сўнгак бўлубон, сўнгаким укулса эди.

Ушбу ғазал қисқа ҳажмли бўлса-да, Бобурнинг орзуси, армони, дарди, мақсади — бутун борлиғини ўзида ифодалай олган. Унда руҳий ёлғизлик, фироқ, ҳижрон изтироблари тасвирланади. Туйғуларнинг теран ифодаланишида бадиий санъатлар муҳим ўрин тутган. Матлаъда шоир тардиъ акс (тескари такрор) ва тавзеъ (товушлар уйғунлиги) санъатидан фойдаланади. «Ҳабиб бўлса эди» ва «рақиб ўлса эди» жумласини байтда тардиъ акс санъати воситасида такрорлайди. Шоир орзулайди: кўнгилга яқин ҳабиб — дўст бўлса эди, ҳеч бўлмаса, кимсасизликдан, ёлғизликдан кўра, рақиб бўлса ҳам майли эди. Иккинчи мисрадаги тескари такрорни худди шундай мазмунда тушунсак ҳам бўлади. Аммо унда шоир назарда тутган мантиқ йўқоларди. Бобур жумла замирига «рақиб ўлса, яъни мағлуб бўлса-ю, ҳабиб билан ҳамнишинлик муяссар бўлса эди», деган маънога бироз парда остида ишора этади. Товушлар талаффузидаги уйғунликка асосланган тавзеъ санъати ҳам байтга ўзгача жозиба бахш этган.

Иккинчи байт ҳам худди шундай – теран мазмунга эга. «Кўнгилга қайғуми, ғамми, бўм-бўшликдан кўра, нимадир бўлса эдики, у ёр билан бирлашиб, ғайр-бегоналикдан қутулса эди». Бу ўринда иккинчи мисрада бирламчи маънодан ташқари ботиний мазмунни ҳам англаш қийин эмас. Яъни кўнгилнинг Ҳаққа ошуфталик билан йўғрилиб, бегоналикдан, моддий ҳою ҳаваслардан, нафсоний интилишлардан мосуво бўлишини.

Учинчи байтда фироқ шаҳри, тан, сўнгак сўзлари муҳим маънога эга. Зоҳирий мазмун қуйидагича: «кошки фироқ шаҳрида бўлгунча, танам суяк бўлса-ю, суягим сочилиб кетса эди». Мазкур фикр шоир томонидан айтилган тезис. Унинг замиридаги ботиний фикрни англаш ўқувчидан бироз чуқурроқ тайёргарликни талаб этади. Фироқ шаҳрида яшаш — ғариблик. Бу асл моҳиятдан — Жавҳардан айрилиш демакдир. Лирик қаҳрамон бундан кўра, суякка айланиб, ёр кўйида сочилиб кетишни афзал билади. Нега? Чунки тана сочилганда, вужудий қафасдан қутулганда, руҳ озодликка чиқади. Озод руҳ эса ёрга қўшилиб, бегоналикдан қутулади. Кўриняптики, учинчи байт иккинчи байтни изоҳлаш, моҳиятини ёритиш вазифасини бажаряпти. Ғазал бизни шоир тафаккур оламининг сарҳадсиз кенгликларига етаклайди. Халқона, содда услубда яратилганига қарамай, теран, орифона, фалсафий ғояларни ўзига сингдирган.

Тўпламдаги қитъалардан бирида ҳам Бобурнинг дунёга ана шундай — файласуфона муносабати ўз ифодасини топган:

Тариқи фақр сулук аҳлига не хуш йўлдур,
Вале бу йўлда керакликтурур рафиқи шафиқ.
Тариқи фақр агар истасанг, бери келким,
Сулук аҳли демиш: «алрафиқу сумма тариқ»[1].

Бу ўринда шоир фақирлик, унинг инсон учун энг маъқул йўл эканлиги борасида мулоҳаза билдиради. Лирик қаҳрамон назарда тутган фақирликни қашшоқлик маъносида тушунмаслигимиз лозим. У мумтоз адабиётда ахлоқий, маънавий комиллик маъносида қўлланилади. Фақирлик йўлини тутган инсон кибр, манманлик, бахиллик, бойлик ва мансаб-мартабага берилиш каби иллатлардан фориғланади. Бобур шундай мартабага кўтарилиш мақсадида дўстликни таклиф қилмоқда. Бундан аломанинг ҳаётий тутумлари, дунёга муносабати англашилади.

Бобур асарларини кузатсак, у ҳар бир воқеа-ҳодиса, олам ва одам муносабатлари, инсоний яшаш тамойиллари ҳақида чуқур фикр, муқояса юритадиган шахс бўлганлигини кўрамиз. Ҳамиша ўз фаолиятини тафтиш этиб, ундан баъзан шодумонлик, баъзан хафалик, баъзан қаноатланиш, баъзан қониқмаслик, баъзан ўз ишларидан ҳайронлик туйғуларини ифодалаган:

Бесабрмену бесару сомондурмен,
Бир ғамзададурмену паришондурмен,
Не диннинг ишин қилдиму не дунёнинг,
Ё раб, нетай ўз ишимга ҳайрондурмен.

Бу мисраларни лоқайд ўқиб бўлмайди. Унда улкан салтанат соҳибининг эмас, балки нозик туйғуларга лиммолим шоир кўнглининг тебранишларини, титроқларини ҳис этамиз.

У ўз ички изтироблари тасвири билан лоқайдлик, эътиборсизлик каби одамзодни, жамиятни таназзулга етакловчи қусурларга қарши туради. Фикрсизликни инкор этади. Замондошларини ҳушёрликка, босган қадамини жиддий назорат этишга даъват қилади.

16-асрда яшаб ўтган Ҳасанхўжа Нисорий «Музаккири аҳбоб» тазкирасида шоир асарларига «дуру гавҳарларга тўла денгиздир», дея баҳо беради.

Бобур нуктадон адабиётшунос олим ҳам эди. У ўзи ўқиган асарларни нозиктаъблик билан таҳлил этарди. Адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрнини чуқур англарди. Шоир нуқтаи назарича, мазмунли ва маҳорат билан яратилган асар зулматни ёритувчи нур янглиғдир. У инсонларга ҳақиқий ҳаёт, тириклик, умр йўлларини ёритувчи маънавий баркамоллик бахш этади.

Иқболой АДИЗОВА,
филология фанлари номзоди

[1] Маъноси: аввало рафиқ — дўст танла, сўнгра йўлга чиқ.

Байрамона руҳдаги мусобақа

(1).

Тармоқлараро мусобақа туман ҳокимияти, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамда тегишли корхоналар билан ҳамкорликда, байрамона руҳда ўтказилди.

— Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар барчамизга олам-олам қувонч бахш этаётир. Касаба уюшмалари тизимида ташкил этилаётган бугунгидай оилавий спорт мусобақалари ҳам ана шундай эзгу мақсадларнинг амалий ифодасидир. Энг муҳими, бу ходимларнинг саломатлиги ва ҳамжиҳатлиги, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Тешабоев.



Мусобақанинг очилиш маросимида Миробод туманидаги маданият бўлими, Баркамол авлод болалар маркази, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан тайёрланган маданий дастур намойиш этилди.

— 1-босқич мусобақалари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Тумандаги 22 та таълим муассасасида бўлиб ўтган баҳсларда 26 оилавий жамоа қанчалар тайёргарликка эга эканликларини намоён қилишди. Бугунги мусобақа иштирокчиларининг кайфияти юқорилиги эса бундай спорт тадбирлари аҳамияти юқорилигидан далолат беради, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Миробод туман кенгаши раиси Назира Насретдинова.

Қизғин кечган беллашувлар якунига кўра, қиз болали оилалар орасида Азизжон Насирдиновлар оиласи (218-умумтаълим мактаби) ғалаба қозонди. Ўғил болали оилалар ўртасидаги баҳсларда эса Бегжон Исмоиловлар оиласи (294-умумтаълим мактаби) шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилди.

— Болалигимдан спортга бўлган қизиқишим ўзгача. Шу қизиқиш сабаб ҳарбийлик соҳасини танлаганман. Оиламизда жисмоний тарбияга жиддий эътибор қаратаман. Чунки, соғлом оилада соғлом фарзандлар вояга етади, — деди Азизжон Насирдинов.

— Мусобақанинг биринчи босқичида кўплаб ҳамкасблар билан беллашдик. Бугунги баҳслар ҳам саломатлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта. Ғолиб чиққанимиз эса, пухта ҳозирлик ҳеч қачон изсиз кетмаслигини кўрсатди, — деди оила бекаси, 218-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулмира Насирдинова.

— Соғлом бўлсак, касал чекинади. Шунинг учун ҳар доим спорт билан шуғулланаман, — деди оиланинг жажжи спортчи қизи Гулёрахон Тоирова.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, «Энг чаққон оила», «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», «Фаол иштирок этган оила» номинациялари совриндорлари ва барча иштирокчилар муносиб тақдирланди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Кандакор уста

Бухоролик Қурбон Содиқов миллий ҳунармандчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган кандакор усталардан.

Устахонада мис кандакорлиги сирларини “устоз-шогирд” анъанаси асосида ёшларга ўргатиб келмоқда. Устанинг мисга жило бериб ишланган лаъли, лаган каби миллий ҳунармандлик намуналари мутахассислар томонидан юқори баҳоланган. Уста Қурбон яратган санъат асарларининг ихлосмандлари хорижлик сайёҳлар орасида ҳам кўп.

СУРАТДА: ҳунарманд Қурбон Содиқов.

ЎзА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.

Диққат, танлов!

«ОНАЛАРИ СОҒЛОМ — БОЛАЛАРИ БАРКАМОЛ ВАТАН!»

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги ҳамда Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловини эълон қилади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, айниқса, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, оилада соғлом тиббий маданиятни юксалтириш, миллат генофондини мустаҳкамлашга йўналтирилган эзгу ишларда касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Республика касаба уюшмаларининг юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, ёш оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришдаги иштироки, инсон омилига, айниқса, касаба уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ёш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари, айниқса, фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган имтиёз ва қулайликлар, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги хайрли ишларини тарғиб этиш янги-янги ташаббусларга туртки бериши, шубҳасиз. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида ёшларни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб камол топтириш, профессионал ва замонавий кадрларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ёш авлод қалби ва онгида она-юртга муҳаббат туйғуларини янада жўш урдириш, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия, спортнинг ўрни ва таъсирини кучайтириш борасидаги фаолиятни кенг ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Танлов шартлари

Танловга тақдим этиладиган материалларда инсон манфаатлари, айниқса, мамлакат тақдирини ҳал этувчи, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиги йўлида олиб борилаётган фаолият йўналишлари, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида болалар ва оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтожларга моддий ва маънавий кўмак бериш, касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳларда она ва болани биргаликда соғломлаштириш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини, талаба-ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш йўналишларида амалга ошираётган ишлари, Давлат дастурларига мувофиқ меҳнат аҳли, айниқса, эҳтиёжманд, кўп болали оилаларга, кўмакталаб инсонларга, қолаверса, «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамлари каби масалалар ўз аксини топиши лозим.

Бундан ташқари, Президент Фармонлари, ҳукумат ва Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш борасида касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини ошириш, касаба уюшмалари аъзоларининг жамиятдаги фаоллигини янада юксалтириш, уюшмага аъзо бўлишга ундовчи омилларни кучайтириш каби масалалар эътиборга олиниши лозим.

Танлов икки йўналишда: профессионал журналистлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатиб, қалам тебратаётган касаба уюшма фаоллари ўртасида ўтказилади.

Танловни ўтказиш қоидалари

Танловга 2016 йилнинг февралидан 1 декабригача чоп этилган ижодий ишлар — мақола, очерк, лавҳа ва фоторепортажлар қабул қилинади.

Материаллар босма шаклда икки қатор оралиғида, 4-8 саҳифадан иборат ҳажмда икки нусхада тақдим этилади.

Юборилган ижодий ишларда «Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига деб кўрсатилиши шарт.

Ижодий ишлар муаллифи тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилиниши лозим:

-фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи, журналистик фаолиятига оид қисқача маълумот;

-манзили, телефони;

-паспортга оид маълумотлари.

Материаллар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 100165, Бухоро кўчаси, 24-уй, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти.

Ғолибларни мукофотлаш

Танлов ғолиблари иккита йўналишда, учта ўрин бўйича аниқланади.

Танлов натижалари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни эълон қилинади.

Мукофотлар 2017 йил 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни арафасида тантанали равишда топширилади.

Мини-футбол

Вакилларимиз — чорак финалда

Хосе Мария Мендез бошчилигидаги мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси “Осиё чемпионати — 2016” гуруҳ босқичидаги сўнгги ўйинда Ливан вакилларини 2:0 ҳисобида мағлуб этди.

Ўзбекистон терма жамоаси аввалги турда гуруҳдан биринчи ўрин билан чиқиш масаласини ҳал қилиб бўлганди. Ливан эса гуруҳдан чиқиш учун имкониятни сақлаб қолган ва иккинчи ўрин учун курашаётганди.

Ўйинни томоша қилиш учун “Ўзбекистон” спорт мажмуасига ташриф буюрган мухлислар Жавлон Аноров ҳамда Фарҳод Абдумавлонов томонидан киритилган голларга гувоҳ бўлишди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси ўз гуруҳидаги барча рақибларни мағлуб этиб, гуруҳдан биринчи ўрин билан чорак финалга йўл олди.

Вакилларимиз кейинги ўйинни 17 феврал куни Ироқ терма жамоасига қарши ўтказишади.

Ўз мухбиримиз

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Bosh muharrir
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay’ati:
Abdulaziz Abdullayev, To‘lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug‘bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O‘rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o‘rinbosari)*, Akmal Toshev

BO‘LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e’lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg‘ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: D.Allaqulova
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:00**
Topshirildi — **21:40**
1 2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 215.
21870 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi: 133